Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб қувватлаш жамоат фонди Навоий вилояти бўлинмаси томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т

2024 йилнинг 26 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини, шунингдек, ижтимоий фойдали дастулар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида қўйидаги фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган

1.Давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш;

2. Жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини кўзлаган, жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

3.Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш;

4. Фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб борилишини рағбатлантириш;

5.Фуқаролик жамияти институтларининг хориждаги ватандошлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг хориждаги уюшмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

6.Фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги "Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 124-сонли Фармони ҳамда вилоят Кенгаши (декабрь ойида) томонидан **2026 йил** учун маҳаллий бюджетни тасдиқлаш тўғрисидаги қабул қилинган қарорига асосан Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Навоий вилояти бўлинмасига жами 2026 йилда 4269,**2 млн. сўм** маблағ ажратилган.

Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг 2026 йил 2 мартдаги 01-10/58-сонли қарори билан ажратилган маблағлар фуқаролик жамияти институтларини давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат гранти шаклида қўллаб-қувватлаш ва ҳудудий бўлинманинг маъмурий харажатлари учун тақсимланган.

Сканировано с CamScanner

Жумладан; Давлат субсидияси учун 4 та жамиятга 2543,1 млн. сўм. Давлат гранти учун 1200,0 млн сўм ажратилган. Ушбу ажратилган субсидияларни 1 октябр 2026 йил холатига 2108,0 млн сўми юқорида айтганимдек Ўзбекистон Ногиронлар жамияти вилояти худудий бўлимларига– 914.200 000 **сўм**; Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти вилоят худудий бўлимларига – 920.700 000 **сўм**; Ўзбекистон Карлар жамияти худудий бўлимларига–165. 000. 000 **сўм**; Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси худудий бўлимига – 108.100.000 **сўм**. хамда Парламент комиссиясининг тегишли йиғилиш баённомасига асосан эълон қилинган 1-давлат гранти учун 660,0 млн сўм 6 та ғолиб бўлган ННТларига грант ҳисобидан ажратиб берилди ва ушбу грантлар бўйича жойларда ишлар амалга оширилмокда.

2025 йилда эса Парламент комиссияси йиғилиш баённомаларига асосан эълон қилинган Давлат грантларида вилоятда фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этиб, иштирок этганлардан 26 нафари ғолибликНИ қўлга киритдилар ва 3092,0 млн сўм маблағ ажатилди, ижратилган маблағдан 1100,0 млн сўми махаллий, қолган 1192 млн сўм Республика жамоат фондидан ажратилган ва ажратилган грантлар бўйича жойларда фаол ишлар олиб борилган.

Давлат гранти танлови йўналишларини ишлаб чиқиш, жойларда сақланиб қолаётган муаммоларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзоси, Сенатор Қ.Б.Турсунов, Олий Мажлис депутати, комиссия аъзоси К.Ў.Тожиев 26-27 феврал кунлари ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди раиси О.Н.Ҳусанов ва Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси, Навоий вилояти маҳаллий Кенгаш депутатларидан иборат ишчи гуруҳ билан биргаликда Нурота, Навбаҳор, Хатирчи туманларида 60 дан ортиқ муаммолар бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди.

Парламент комиссияси йиғилиш баённомасига асосан Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди жорий йилнинг 22-майидан-22 июнига қадар 1-давлат грант, 22-августдан 22-сентябрга қадар 2- давлат гранти ҳамда Ижтимоий буюртма танловлари эълон қилди. Бўлинма ва тегишли ҳамкор ташкилотлар, ЎзННТМА, “Юксалиш” ҳаракати иштирокида жойларда эълон қилинган Давлат грантлари бўйича белгиланган режага асосан ўқув семинарлари, давра сўҳбатлари ўтказилди ва натижада 1ва 2- давлат гранти танловларига 77 та *(шундан 4 та МФЙлар)* ННТлар ва ОАВлари фаол иштирок этиб, 208 та давлат гранти учун аризалар ngo.gov. uz. платформаси орқали тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси “Жонли табиат” жамоат бирлашмаси Навоий вилояти бўлими, “Мира” соғлом ҳаёт ва ривожланиш маркази, “Шижоат” ННТ Саодат сари” ННТ фаол иштирок этишди.

Ушбу келиб тушган аризалар тахлил қилиб чиқилганда, 79 та ариза Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган 15/1-G/26-сонли Жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга фуқаролик жамиятини институтларини жалб этиш номенациясига, 24 таси Навоий вилоятида ижтимоий муаммоларни ҳал этишга фуқаролик жамиятини институтларини жалб этиш номенациясига ва яна 19 таси Ўзбекистон

Сканировано с CamScanner

Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди томонидан эълон қилинган 15/1-G/26-сонли Навоий вилоятида ижтимоий муаммоларни ҳал этишга фуқаролик жамиятини институтларини жалб этиш номенациясияларига тўғри келмоқда.

Парламент комиссиясининг қарорларига асосан эълон қилинган 1 танловда 13 нафар вилоятда фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари ғолиб деб топилиб, бугунги кунда барча ғолиблар ўз йўналишлари бўйича жойларда муаммоларни бартараф этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Грант бўйича олиб борилаётган ишлар 1-давлат гранти ғолиблари телеграмм гуруҳида доимий маълумотлар бериб борилмоқда.

Бундан ташқари Навоий вилоятида фаолият юритаётган 3 та фуқаролик жамияти институтлари "Жонли табиат", "Саодат сари", "Зиёкор" аёллар ва ёшлар тарғибот масканлари эълон қилинган Давлат ижтимой буюртмаси ғолиблари деб эътироф этилиб, Республика Жонли табиат" жамоат бирлашмасига 680,0 млн сўм, "Саодат сари" ННТига 400, млн сўм коррупцияга қарши курашиш номинацияси бўича ҳамда "Зиёкор" аёллар ва ёшлар марказига 800,0 млн сўм маблағлар ўтказиб берилиб, вилоятда барча ғолиблар томонидан Ижтимоий буюртма танловларида берилган мақсад ва вазифларни ҳамкор ташкилотлар билан иштиросин таъминлашга стартлар берилди ва барчаси томонидан тақдимотлар ўтказилишга эришилди.

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида ҳудудий бўлинма, ННТ, ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда Навоий вилоятида аҳолини турли йўналишларда қийнаётга масалалар юзасидан ўрганишлар ўтказилиб 70 дан ортиқ муаммолар Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Навоий вилоят ҳудудий бўлинмасига тақдим этилди.

Бундан ташқари ННТларнинг маҳаллий грант танловларида фаол иштирок этиш ngo. gov.uz сайтидан фойдаланиш бўйича билимларини ошириш, лойиҳаларни шакллантириш, грант танловлари бўйича ёзилган лойиҳаларни платформага тўғри юклаш, ННТлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва бошқа бир қатор йўналишларда 18 та ўқув-семинари, 15 та давра суҳбати ташкил қилинди. Давлат гранти доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг жараёнлари ва бошқаларда жами 18 **маротаба** тадбирлар Жамоат фондининг **"Parlament_jamoat_fondi", вилоят жамоат фонди тедеграмм** каналида **"Ассалом Навоий ", "Навоий вилоят МТРК", «Дўстлик байроғи ва Знамя дружбы», газетасида ҳамда Республика "Махалла", "24-" каналларида,** ҳудудий ОАВда мунтазам ёритиб борилган.

Бўлинма бошлиги **Х.Жумаев**

Сканировано с CamScanner